Увеличение мясо–сальной продуктивности каракульских овец возможно при осуществлении комплекса мероприятий, которые включают в себя повышение племенных и продуктивных качеств, ускоренного выращивания, посредством предубойного нагула, откорма на основе использования закономерностей его роста и развития; организации полноценного кормления с учётом стадийности и периодизации эмбрионального и постэмбрионального периодов развития. Для этого необходимо составлять для каждого конкретного случая «баланс обеспеченности кормами» (БОК), то есть посредством сопоставления показателя оптимальной нормы кормления с фактическим наличием поедаемого корма и по выявленной разнице определять объём дополнительного кормления посредством нагула, подкормки или откорма, позволяющего достичь поставленных показателей продуктивности.

В седьмой главе **«Качественные показатели овчин»** рассматриваются качественные показатели овчин 4,5-7-8 и 18 месячных баранчиков в парном (площадь, масса), сухосолёном (площадь, масса, сортность) и в выделанном виде (технологические свойства кожевой ткани).

Овчины баранчиков 4,5 месячного возраста изучали сразу после отъёма, овчины 7-8 и 18 месячном возрасте изучали после стрижки с тем, чтобы их шерстный покров к моменту снятия достигал 4-5 см, то есть отвечал требованиям полшерстных овчин.

Таблица 9

Площадь и масса выделанных овчин

Тип конституции	Возраст					
	4,5 мес.		7-8 мес.		18 мес.	
	Площадь, дм ²	Масса, кг	Площадь, дм ²	Масса, кг	Площадь, дм ²	Масса, кг
Нежный	59,4	0,85	70,1	0,81	79,1	0,9
Крепкий	66,9	0,92	82,8	0,98	93,4	1,3
Грубый	68,1	0,99	85,3	0,99	93,7	1,35

Установлено, что с возрастом как масса, так и площадь не выделанных овчин баранчиков возрастает, при этом в изменениях показателей как площади, так и массы проявляются конституциональные различия, Наибольшая площадь и масса отмечена у ягнят грубой конституции.

В выделанном виде овчины всех возрастов по показателям площади и массы соответствовали стандартным показателям и были оценены как шубные овчины, при этом 4,5 месячные как шерстные овчины, а 7-8 и 18 месячные баранчики как полушерстные.

Изучение показателей крепости лицевого слоя (абсолютная нагрузка при появлении трещин, напряжения в момент появления трещин, относительного удлинения при треске лицевого слоя) показало, что во всех случаях они были лучшими у овец крепкой и грубой конституций. В пределах возраста лучшие показатели были отмечены у овчин 1,5 летних баранчиков. Следует отметить, что во всех случаях по изученным группам выделанных овчин показатели прочности, удлинения кожной ткани, прочности лицевого слоя вполне соответствовали ТУ-17-20-57-78 «Овчина каракульская выделанная» это означает, что овчины баранчиков после специального нагула и откорма, могут служить хорошим сырьём для шубной промышленности и могут служить дополнительным источником получения прибыли.

Таблица 10

Качественные показатели кожной ткани выделанных овчин

Возраст мес.	Тип конституции	Сред. толщина мездры, см	Абсолют. удлинение в момент появления трещин, мм	Абсолют. нагрузка при появлении трещин, мм	Абсолют. удлинение в момент разрыва, мм	Абсолют. нагрузка при разрыве кг	Предел прочности при растяжке кг/мм ²	Относит. удлинение при разрыве %	Напряжен. в момент появления трещин лицевого слоя, кг	Относит. удлинение при треске лицевого слоя, %
4,5	Нежный	0,65	44,1	6,1	46,4	7,3	1,9	31,1	2,2	18,4
	Крепкий	0,81	55,0	17,2	57,1	8,1	2,1	27,4	2,4	29,4
	Грубый	0,9	57,0	7,7	57,0	8,4	2,0	34,5	1,9	26,4
7,8	Нежный	0,71	55,4	8,1	59,3	8,9	2,0	44,1	3,1	31,2
	Крепкий	0,90	64,9	8,5	67,2	8,8	2,1	51,2	3,3	29,2
	Грубый	1,03	61,3	8,4	66,9	9,1	2,3	41,3	3,2	26,7
18	Нежный	0,85	61,3	8,8	64,1	9,5	2,4	37,3	4,1	31,4
	Крепкий	1,10	69,4	9,1	70,1	10,2	2,2	41,1	4,2	46,4
	Грубый	1,15	71,3	9,3	72,4	10,2	2,1	36,9	4,2	41,3

В восьмой главе «Шерстная продуктивность баранчиков при разных технологиях выращивания» раскрываются особенности шерстного покрова, характеризуя его как сырьё для промышленности.

Качество и количество шерсти баранчиков являются проявлением наследственных особенностей под влиянием условий кормления и содержания овец и знание закономерностей её формирования, с целью достижения

наилучшей её сочетаемости со смушковой и мясо–сальной продуктивностью, является актуальной задачей.

Результаты проведённых исследований позволили заключить, что нормированное кормление суягных маток и ягнят в начальном периоде после утробного развития способствует более полному проявлению их генетического потенциала роста и формирования шерстного покрова, что соответственно положительно сказывается на их продуктивные показатели, и тем самым обеспечивает некоторое повышение рентабельности отрасли. При всех вариантах предубойного выращивания, баранчики крепкой и грубой конституций, так же как и ягнята, более крупной величины характеризовались повышенными показателями шерстной продуктивности.

В девятой главе **«Экономическая эффективность производства баранины при разных технологиях выращивания»** приведены результаты изучения экономической эффективности мясо-сальной продуктивности баранчиков при различных технологиях выращивания.

Так, при традиционном пастбищном содержании были получены наименьшие показатели роста, при этом 1 кг прироста был оценен наименьшим образом – 15 т.с., так как практически все ягнята имели среднюю упитанность, что обеспечило им 4,2% уровня рентабельности.

Наибольшие привесы были получены при 90 дневном интенсивном откорме ягнят -42,2 килограмма и они все имели высшую упитанность и оценены по 18000 сум за килограмм. Уровень рентабельности производства составил 49,4 процентов.

Самый низкий показатель себестоимости производства 1 кг привеса был отмечен у баранчиков при их нагуле на жнивье зерновых культур и хлопчатника, так как при использовании данной технологии был произведен наименьший объём расходов – это практически сумма за аренду жнивья, но было получено большое количество привесов -33,3 и 30,1 кг, что позволило достичь уровень рентабельности производства -58,7 и 42,3 процента. Относительно средние показатели были получены при нагуле на пастбищах с подкормкой и нагуле с последующим 60 дневным откормом.

Таким образом, результаты анализа экономической эффективности разных технологий выращивания с целью увеличения производства баранины в каракулеводстве позволяют заключить, что наименее затратным способом выращивания является традиционное пастбищное содержание, но в данном случае объём производства мяса минимальный, поэтому и уровень рентабельности самый низкий.

Наиболее эффективным с точки зрения объёма и качества производимой баранины, несмотря на свою многозатратность, является интенсивный откорм баранчиков в течение 90 дней. Это, когда ягнята вволю получают питательные вещества, что позволяет проявлять им практически весь генетический потенциал роста.

Таблица 11

Экономическая эффективность производства баранины

Показатели	Ед. изм.	Технология предубойного содержания					
		Традиционное пастбищное содержание	Нагул на пастбищах с подкормкой	Нагул на жнивье зерновых культур	Нагул на остатках хлопчатника	Нагул с последующим 60 дневным откормом	Интенсивный 90 дневный откорм
Учтено	гол	50	50	50	50	80	30
Получено привеса на 1 гол	кг	22,3	29,7	33,3	30,1	33,5	42,2
Производственные затраты на 1 гол	т. сум	320,1	458,4	367,2	370,1	471,3	551,2
Себестоимость 1 кг привеса	сум	14354	15434	11027	12295	14068	13061
Реализационная стоимость 1 кг привеса	сум	15000	17000	17500	17500	17500	18000
Общая сумма реализации от 1 гол	сум	334500	504900	582750	526750	586250	759600
Прибыль	сум	14400	46500	215550	156650	114950	208400
Уровень рентабельности	%	4,2	10,1	58,7	42,3	24,4	49,4

Экономически эффективным, позволяющим получить высокие показатели мяса – сальной продуктивности, является их предубойный нагул на жнивье зерновых культур и хлопчатника, так как данные технологии являются наиболее малозатратными. При низкой урожайности естественных пастбищ, отсутствие возможностей использования жнивья зерновых культур и хлопчатника, относительно хорошие показатели получаются при одновременном нагуле и дополнительной подкормки, объём которого зависит от урожайности пастбищ.

ВЫВОДЫ

Результаты проведённых исследований и наблюдений по изучению роста и развития, формирования мяса – сальной продуктивности, качества овчин и шерсти баранчиков каракульской породы при разных технологиях выращивания, позволяют сделать нижеследующие выводы и предложения производству.

1. Рост эмбриона каракульских овец по периодам проходит не однозначно, наиболее интенсивный рост отмечается во – втором периоде утробного развития и его темпы зависят от наследственности и уровня обеспеченности суягных маток питательными веществами, регулируя которые можно воздействовать на формирование будущей продуктивности плода.

2. Рост каракульских ягнят в лактационный период тесно связан с их конституциональными особенностями. Ягнята разных конституциональных типов по – разному реагировали на уровень кормления при полноценном кормлении, отличались высокой скороспелостью (первые два месяца), а при скудном – резко снижался темп прироста (четвёртый месяц), особенно в первые дни после отъёма их от маток.

3. Полноценное кормление суягных овцематок, особенно во - втором периоде суягности и после ягнения, способствует ускорению общего роста приплода, формирования внутренних органов в утробном и лактационном периодах, развития отдельных морфологических показателей – живой массы, массы шкурки, туши, скелета и мякоти в тесной взаимозависимости с типом их конституции.

4. Формирование отдельных частей экстерьера каракульских ягнят, их внешних форм зависят как от наследственности животного (тип конституции), так и паратипических факторов, регулируя которые можно управлять их развитием и достигать нужных показателей продуктивности.

5. При традиционном пастбищном содержании в 4,5, 8,0 и 18,0 месячном возрасте ягнята при убое имели в основном среднюю упитанность, предубойную массу 29,4-40,1 кг., убойный выход 42,5 -45,1% и относительно низкий коэффициент мясности -2,86 -3,07.

6. На темпы роста ягнят, наряду с молочностью маток, существенное влияние оказывает кормовой запас пастбищ, дополнительная их подкормка во – втором периоде молочного питания позволяет увеличить средне – суточный привес на 18,1%, а при нагуле ягнят с матками на жнивье зерновых культур и хлопчатника позволяет получать на 22,5% больше привесов. При относительно низкой урожайности пастбищ дополнительная подкормка в после лактационный период позволяет получать 11,1-6,9 кг абсолютного прироста и сдавать их на мясо в год рождения.

7. Большим резервом в увеличении производства баранины, является их предубойный откорм. Лучшие результаты получаются при стойловом откорме 6-7 месячных баранчиков, после одно – двух месячного нагула на пастбищах и использовании аммонизированной соломы и добавки в рацион по 1,5 г бентонита на один килограмм живой массы. Применение технологии

интенсивного откорма в течение 90 дней при использовании средне – суточных норм кормления от 1,1 до 1,6 к. ед. даст возможность получить 17,1 – 18,1 кг абсолютного привеса и достичь средней живой массы 43,5 – 48,7 килограммов.

8. Морфологический состав туши, формирование у них мясности, тесно связано с возрастом убоя, степенью их упитанности. С возрастом и повышением упитанности, содержание мякоти увеличивается, а костей снижается.

9. Передержка баранчиков до полуторалетнего возраста даёт возможность получать дополнительно 6,0-8,0 кг привесов. Но при этом практически требуется увеличить расходы на их содержание 1,8-2,0 раза, увеличить нагрузку на зимние пастбища и расход кормов на получение одного килограмма привесов.

10. Качество мяса, его товарная ценность находится в прямой зависимости от внешнего вида и химического состава. Установлено, что с возрастом содержание влаги в мышцах снижается (с 81,1 до 64,5%), а жира соответственно повышается (с 1,1 до 16,5%) Количество белка и золы остаётся практически без изменений. С возрастом общее содержание незаменимых аминокислот несколько снижается, за счёт снижения содержания трионина (0,7%), валина (0,4%), изолейцина (0,5%) и лейцина -0,2%. Хвостовое сало баранчиков по своей консистенции более плотное, чем внутренний жир. При этом содержание влаги в нём было несколько меньше, чем во внутреннем жире. Содержание белка и золы было примерно равным и особых изменений с возрастом не отмечалось.

11. Величина или живая масса ягнят при рождении, обхват пясти и тип конституции положительно коррелирует с показателями живой массы во взрослом состоянии. Это означает, что отбирая животных более крупной величины при рождении, со средней толщиной пястных костей, имеющих крепкую и угрублённую конституцию, можно способствовать увеличению производства баранины и содействовать повышению экономической эффективности отрасли.

12. Увеличение производства баранины в каракулеводстве возможно при осуществлении комплекса мероприятий, включающих в себя повышение племенных качеств, направленного выращивания, организации полноценного кормления суягных маток и молодняка, на основе использования закономерностей его роста и развития с учётом стадийности, периодизации эмбрионального и постэмбрионального периодов развития.

13. Экономический анализ показывает, что наименее затратным способом предубойной подготовки является традиционное пастбищное содержание, но в данном случае объём производства мяса минимальный, поэтому и уровень рентабельности самый низкий - 4,2%. Наиболее эффективным с точки зрения объёма и качества производимой баранины, не смотря на свою многозатратность, является интенсивный откорм баранчиков в течение 90 дней. Экономически эффективным, позволяющим получить высокие показатели мясо – сальной продуктивности, является их предубойный нагул на жнивье зерновых культур и хлопчатника, эти же технологии являются наименее затратными.

14. Предубойный нагул и откорм баранчиков позволяет получить поярковую шерсть высокого качества, способствует формированию плотной качественной овчины, соответствующих требованиям стандарта, которые можно успешно использовать в качестве шубного или кожевенного сырья.

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ШАПТАКОВ ЭРКИН СУЮНОВИЧ

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИКДА ЖАДАЛ РАВИШДА ГЎШТ ВА ПЎСТИНБОП
ТЕРИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Qx131 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzkarakul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Базаров Соли Раҳматович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Турганбаев Рузимбай Уразбаевич**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Умаров Шавкат Рамазонович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Шокиров Қахрамон Жўрабоевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ипакчилик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даража берувчи PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 07 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 47-уй. Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81) e-mail: uzkarakul30@mail.ru Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (194-рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47-уй. институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 06 куни тарқатилди.
(2021 йил «26» 06 даги 5 -рақамли реестр баённомаси)



Н.А. Бобоқулов
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

З.С.Кличев
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.д. (PhD)

С.Ю. Юсупов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) дисертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қўйчилик дунёнинг барча қитъаларида ривожланиб, жами қўй бош сони 1,2 млрд бошни шу жумладан қорақўл қўйлари 33,0 млн. бош атрофида, уларни урчитишдан қўй гўшти, сут, жун, қўй териси ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда фойдаланилади³. Қорақўл қўй зоти Осиё, Африка, Европа ва Американинг ўнлаб давлатларида урчитилади. Жанубий Африка, Намибия мамлакатлари кенг сатҳли, териси юпқа, жун қоплами калта терилар етиштириши билан ажралиб туради. Афғонистонда маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда юқори сифатли кўк рангли терилар етиштиришга эътибор қаратилиб, илмий изланишлар уларнинг ирсий салоҳиятини бошқаришнинг самарали селекцион-генетик усуллари ҳамда маҳсулот етиштиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Қорақўл қўйлари МДҲ мамлакатларидан Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Россия, Молдавия, Украина давлатларида юқори сифатли қорақўл тери, жун, қўй териси етиштириш мақсадида урчитилиб келинмоқда. Қозоғистонда қорақўл қўйлари нининг наслий хусусиятларини, Молдавияда сут маҳсулдорлигини, Украинада табиий серпуштлигини, Туркменистонда қора рангли қорақўл териларини гул хусусиятларини яхшилаш, селекцион технологик жараёнларни модернизациялаш юзасидан кенг қамровли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида мазкур зотнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, тери ва гўшт маҳсулдорлигини оширишга эришилмоқда.

Қорақўлчилик Ўзбекистон республикасини аграр комплексининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, чўл яйловларининг йирик массивларини ўзлаштиришни, бу ҳудудларда яшовчи аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланишини таъминлаб, ташқи ва ички бозорда доимий талабга эга бўлган турли гул типлари ва рангбарангликлардаги юқори сифатли қорақўл терилари етиштириб беради. Шу билан бирга, соҳада гўшт, қўй териси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Афсуски қорақўл қўйлари нининг гўшт, жун, қўй териси каби маҳсулотларига иккиламчи маҳсулот сифатида қаралиб, етарлича эътибор берилмай келинмоқда, ваҳоланки охириги йилларда гўшт ишлаб чиқариш соҳанинг ялпи даромадини 60-70% ни ташкил этган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида⁴ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жадал усулларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли вазифалар белгилаб берилган. Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, янги иш ўринлари яратиш ва соҳани турғун юритиш учун қорақўл тери ва бошқа маҳсулдорликларга салбий кўрсатмайдиган гўшт ва қўй териси ишлаб чиқаришнинг самарали

³ www.fao.org/3/a-a1250r.pdf

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалалари қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сон «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон «Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон “Ўзбекистон Республикасида Пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 йил 2 сентябрдаги ПҚ-4817 сон “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли мейъёрий ҳужжатларда чорвачиликда жадал усулларни жорий этиш вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда мазкур қоракўлчиликда сифатли гўшт ва қўй териси етиштиришнинг жадал технологияларини ишлаб чиқиш юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқот иши муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигини селекцион, технологик, биотехнологик ва бошқа усуллар ёрдамида оширишга йўналтирилган тадқиқот ишлари, барча маҳсулдорлик йўналишидаги қўйларни урчитиш билан шуғулланувчи дунёнинг кўпгина мамлакатларида олиб борилади. Ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Австралия давлатларида майин жунли қўй зотларини гўшт йўналишидаги кўчқорлар билан чатиштириш йўли орқали гўшт маҳсулдорлигини 18,0-27,0 фоизга ошириш мумкинлиги аниқланган. Янги Зеландия, Франция ва Россиянинг тажриба станциялари ва лабораторияларида ўзида юқори гўшт маҳсулдорлиги, тез етилувчанлик ва юқори жун маҳсулдорлигини қамраб олган гўшт-жун йўналишидаги янги зотларни яратиш ва гўштдорликнинг бошқа маҳсулдорлик белгилари билан коррелятив боғлиқлиги ва генетик параметрларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

«Аскания Нова» тажриба станциясида (Украина) табиий серпуштликка эга бўлган қўйларни яратиш йўли билан гўшт маҳсулдорлигини ошириш, Жанубий-ғарбий чорвачилик ва ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида (Қозоғистон) сўйим олдидан ёши катта ҳайвонларни бўрдокилаш, Бутунроссия чорвачилик илмий-тадқиқот институтида (Россия) сифати паст бўлган қари қўйлар, ахта кўчқорлар ва қўзиларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг хусусиятлари ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида йирик, ихтисослашган, механизациялашган комплекслар шароитида қоракўлча ва қўй гўшти етиштириш технологияси ишлаб чиқилган,

қоракўл қўйларини бўрдоқилашнинг оптимал рационини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилиб, ёш молларни ўстиришда уларнинг биологик потенциалдан фойдаланган ҳолда жадал ўстириш усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги уларнинг зотиغا, ёшига, жинсига, озиклантириш ва сақлаш шароитига ҳамда шахсий хусусиятларига боғлиқ (А.Э.Гребенюк, А.И.Ерохин ва бош. Т.В. Мурзина ва бош. С.А.Емельянов., Лушников В. П. ва б., Сазонов И. А., Абдильданов, Пахомова Е. В., Юлдашбаев ва б.).

Қоракўл қўйларининг гўшт маҳсулдорлигини Ўзбекистонда П. Г. Забоев, В.А.Кузнецов, А.К.Амиров, В.Солиев, Ш.Абдиваитов, К.Хайдаров, С.Асамов, Б.Яхьяев, С.Юсупов, Н.А.Бобокулов, А.Абдурахмонов ва бошқалар, Тожикистонда Ахмедов К. А., Х.Жалолов, Қозоғистонда Р.Кудияров, А.Омбаев каби олимлар ўрганганлар. Ушбу олимларнинг қайд этишича, қоракўл қўйларининг гўшти ўзининг «мармарлиги» йўқлиги, таркибида ёғнинг камлиги, гўшт толаларининг ингичкалиги, майинлиги ва юқори таъм хусусиятлари билан ажралиб туради. Қоракўл қўйларининг гўшт-ёғ маҳсулдорлигини ошириш заҳираси уларни сўйим олди таёргарлиги ҳисобланади.

С.Юсупов (2005) қари қўйларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлигини ўрганиш натижасида, қўйларнинг бўрдоқиланиш ва гўшт-ёғ маҳсулдорлиги уларнинг ранги ва конституция типларига боғлиқлигини, С.Асамов хўжалик шароитида махсус бўрдоқилаш майдонларида қари совлиқлардан гўшт етиштириш, Б.Яхьяев саноат комплекслари шароитида совлиқлар ва ахта кўчқорчаларнинг бўрдоқиланиш ва гўшт маҳсулдорлиги сифатига рацион таркибига азкомар конидан олиган бентонитларни қўшишни ижобий таъсирини, С.Т.Қаршиев мочевинани қўшишнинг ижобий таъсирини аниқлаганлар.

Йирик саноат комплекслари шароитида қоракўл қўйларининг гўшти ва ёғининг кимёвий таркиби ва бошқа сифат кўрсаткичлари А.Амиров, Ш.Абдуваитов, Қ.Хайдаров ва бошқалар, А.Абдирахманов қоракўл қўйларининг ўсиш ва ривожланиш ҳамда гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг шаклланишига совлиқларни озиклантириш рационидagi протеин миқдорининг таъсирини ўрганган. Аммо, фермер хўжаликлари шароитида қоракўл тери, жун ва бошқа маҳсулдорликларга салбий таъсир кўрсатмасдан, озик-овқат хавфсизлиги таъминловчи юқори сифатли гўшт етиштиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №0194513 рақами билан рўйхатга олинган “Қоракўл қўйларининг ирсий портенциалидан фойдаланиб улар маҳсулдорлигини оширишнинг селекцион-технологик усуллари ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2015-2020йй).

Тадқиқотнинг мақсади қоракўл қўйларида гўшт маҳсулдорлигининг шаклланиш қонуниятларини, семиртириш, бўрдоқилаш хусусиятларини ўрганиш асосида қоракўл тери ва бошқа маҳсулдорликларга салбий таъсир кўрсатмайдиган ва соҳада гўшт етиштиришни 15-20% ошириш имконини берувчи гўшт ва қўй териси етиштиришнинг илмий–асосланган технологиялари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигини шаклланиш қонуниятларини аниқлаш;
совлиқлар буғозлигининг иккинчи даврида қўшимча озиклантиришнинг улар авлодларининг ўсиш ва гўшт маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

қўзиларни эрта қўшимча озиклантиришнинг ўсиш ва гўшт маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

қўйларнинг бўрдоқиланиш ва бўрдоқилаш хусусиятларини аниқлаш;

қўйларни гўшт маҳсулдорлигининг конституцияси, сўйим ёши ва сўйим олди сақлаш технологиясига боғлиқлигини аниқлаш;

турли сўйим ёшлари ва ўстириш технологиялари шароитида қўйларни гўшт, ички ёғ ва думба ёғининг кимёвий таркиби ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

гўшт йўналишидаги қўйларнинг жун ва қўй териси маҳсулдорлигини аниқлаш;

хайвонларни сўйимга тайёрлашнинг турли технологиялари асосида қўй гўшти етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли технологик шароитларда ўстирилиб сўйишга тайёрланган қоракўл қўйлари, улардан олинган гўшт, жун ва қўй териси намуналари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб турли сўйим олди сақлаш технологияларига боғлиқ ҳолда қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигини шаклланишининг ўсиш кўрсаткичлари, гўшт, ички ёғ, думба ёғининг сифат кўрсаткичлари, жун ва қўй тери маҳсулдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажаришда П.С.Собировнинг “Экстерьер ўлчамларини ҳисобга олиш”, БИЧИнинг “Қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигини аниқлаш”, “Гўшт, ёғ ва ички ёғнинг кимёвий таркибини аниқлаш”, “Сўйишга мўлжалланган қўчқорчаларнинг жун маҳсулдорлиги”, “Жун япоғининг ва жун намуналарининг морфологик таркибини аниқлаш” ГОСТ 5111-53 “Сўйим олди вазни, семизлик даражаси”, ГОСТ 7596-53 “Нимтанинг вазни ва гўшт чиқими, ички ёғ, думба ёғи, ички аъзолар ва техник хомашё ҳисобга олиш” электрон тарозида ўлчаш, ГОСТа 938-45 “Қўй териларининг янги шилиб олинган вақтда (вазни, сатҳи), тузлаб куритилганда (вазни, сатҳи, нави) ва ошлангандан кейин сифатини баҳолаш”, Н.А.Плохинскийнинг «Ўртача арифметик қиймат (X), унинг хатоси (S_x), ўзгарувчанлик коэффициенти (C_v)» усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қоракўлчиликда қўйларнинг ўсиш даврлари кесимида - буғоз совлиқларни ҳомиланинг эмбрионал даврдаги, янги туғилгандаги, сут эмиш, 4,5; 8,0 ва 18,0 ойликдаги қўчқорчаларнинг ҳамда турли озиклантириш

даражалари ва технологиялар шароитида устирилатган ҳар хил ёшдаги қўчқорчаларнинг гўшт маҳсулдорлигининг шаклланиш қонуниятлари аниқланган;

турли озиклантириш даражалари ва технологиялари шароитида ўстирилган ёш қўчқорчаларнинг ўсиш хусусиятлари, гўшт маҳсулдорлиги, гўштининг сифат кўрсаткичлари - ёш ўтиши билан мускуллардаги намлик миқдорининг камайиши, ёғ миқдорининг ортиб бориши, оксил ва кулнинг миқдори деярли ўзгармаслиги ҳамда ички ёғ ва думба ёғи миқдори, думба ёғи ўзининг консистенцияси бўйича ички ёғга қараганда зичроқ бўлиши аниқланган;

бошқа маҳсулот турларига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳамда гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг ошишини, гўшт ва қўй териси сифатининг яхшиланишини таъминловчи ҳайвонларни сўйим олди сақлашнинг яйловда боқиш ва қўшимча озиклантириш, донли экинлардан бўшаган, пахтаси терилган майдонларда боқиш, яйловда боқиш ва ва охириги 70 кун бўрдоқлаш, 90 кун мобайнида жадал бўрдоқлаш каби мақбул технологиялари ишлаб чиқилган;

қўзиларнинг туғилгандаги гавдасининг йириклиги, пойча айланаси, конституциясининг мустаҳкамлиги уларнинг вояга етган даврдаги тирик вазни билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, туғилганда танаси йирик, пойча суяклари ўртача қалинликда бўлган, мустаҳкам ва қўполлашган конституция типидagi ҳайвонларни танлаш натижасида, қўй гўшти етиштириш ҳажмини кўпайтириш (20,0-25,0%) ва соҳанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин бўлган эрта башоратлаш бўйича тест кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

қоракўлчиликда гўшт-ёғ етиштириш мақсадида қўчқорчаларни жадал усулда 90 кун семиртириш ва шу йилнинг ўзида сўйишнинг афзаллиги асослаб берилган;

фермер хўжаликлари шароитида гўшт маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ҳайвонларни сўйим олдидадан яйловларда ғалласи ўриб олинган ва пахтаси йиғиб олинган майдонларда боқиб семиртиришнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

ўсиш даврлари бўйича гўштдорликнинг шаклланиш қонуниятлари аниқланган, турли технологик шароитда ва озиклантириш даражасида ўстирилган қўчқорчаларнинг ўсиш хусусиятлари, гўшт маҳсулдорлиги ҳамда гўшт, ички ёғ ва думба ёғининг сифатий кўрсаткичлари аниқланган;

гўшт йўналишидаги ҳайвонларнинг жун ва пўстинбоп тери маҳсулдорлик белгиларининг ривожланиш ва намоён бўлиш кўрсаткичлари аниқланган;

ҳайвонларни сўйим олди тайёрлашнинг яйловда қўшимча озуқа бериб, экин қолдиқлари далаларида боқиш, турли муддатларда бўрдоқлаш технологияларини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилган;

қоракўлчиликда самарали қўй гўшти ва пўстинбоп тери етиштиришнинг ресурс тежамкор ва жадал технологияларнинг услубий асослари ишлаб чиқилган;

ҳайвонларни гўшт-ёғ маҳсулдорлигини эрта башоратлашнинг тест кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бирламчи хужжатлар ҚХООТИИЧМ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилганлиги, олинган натижалар статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, жорий қилиш тадбирлари далолатномалар билан асосланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва хорижий илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор қорақўлчиликда олиб борилган комплекс тадқиқотлар асосида турли сақлаш технологиялари ва сўйим ёшларида қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигининг шаклланиш қонуниятлари, гўшт-ёғ маҳсулдорлигини эрта башоратлаш, жун ва қўй териси маҳсулдорлик белгиларининг меъзонлари аниқланган. Қорақўлчиликда юқори сифатли маҳсулот етиштиришни режалаштириш ва башоратлаш имконини берувчи, сўйим маҳсулотларининг илмий асосланган сифат кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермер хўжаликлари шароитида хайвонларни сўйим олди озиклантириш ва сақлашнинг ишлаб чиқилган ресурс тежамкор технологиялари гўшт етиштиришни 25-30фоизга ошириш, етиштирилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, соҳани иқтисодий самарадорлигини ошириш, худудда яшаётган маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини кўтариш имконини беради. Тадқиқот натижалари бўйича ихтисослашган фермер хўжаликлари шароитида қўйларни сўйим олди тайёргарлигини жадаллаштириш, етиштирилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва яхшилашнинг амалий тавсиялар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақўлчиликда гўшт ва пўстинбоп тери етиштиришни жадаллаштириш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ёш қўзиларни боқиб ва бўрдоқилаб семиртириш технологияси Қашқадарё вилояти Миришкор тумани “Ўзбекистон” қорақўлчилик МЧЖ да жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 сентябрдаги №02/23-323-сон маълумотномаси). Натижада бир бош ҳисобига даромад 215,5 минг сўмни, рентабеллик даражаси 58,7 фоизни ташкил этган;

ёш қўзиларни ғалла ва пахта далалари қолдиғидан фойдаланиб боқиб ва бўрдоқилаб семиртириш технологияси Қашқадарё вилояти Чирокчи туманининг “Файзуллаев Жаҳонгир Ўктамович” фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 сентябрдаги №02/23-323-сон маълумотномаси). Натижада пахтаси терилган майдонларда боқишда бир бош ҳисобига даромад 156,6 сўмни, рентабеллик даражаси 42,3 фоизни ташкил этган;

ёш қўзиларни яйловда боқиш ва қўшимча озиклантириш ҳамда турғун бўрдоқилаш технологияси Қашқадарё вилояти Чирокчи туманининг

“Ёмгирчиев Уктам Хасанович” фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 сентябрдаги №02/23-323-сон маълумотномаси). Натижада яйловда боқиш ва қўшимча озиклантиришда бир бош ҳисобига даромад 46,5 минг сўми, яйловда боқиш ва 70 кун бўрдоқилашда 114,9 минг сўми, 90 кун жадал бўрдоқилашда 208,4 минг сўми, рентабеллик даражаси тегишлича 10,1; 24,4 ва 49,4 фоизни ташкил этган;

ёш қўзиларни яйловда боқиш ва қўшимча озиклантириш ҳамда турғун бўрдоқилаш технологияси Қашқадарё вилояти Чирокчи туманининг “Чоршанбиев Оғабек Собирович” фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 сентябрдаги №02/23-323-сон маълумотномаси). Натижада яйловда боқиш ва қўшимча озиклантиришда бир бош ҳисобига даромад 46,5 минг сўми, яйловда боқиш ва 70 кун бўрдоқилашда 114,9 минг сўми, 90 кун жадал бўрдоқилашда 208,4 минг сўми, рентабеллик даражаси тегишлича 10,1; 24,4 ва 49,4 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари Қашқадарё вилояти Миришкор тумани «Ўзбекистон» МЧЖ ишлаб чиқариш йиғилишларида, ҚХООТИИЧМ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг апробация комиссиясида (2015-2020), «Ҳайвонлар генетикаси, селекцияси, урчитиш ва кўпайтириш» кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишларида (2021) ҳамда 3 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилиб ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та тавсиянома. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 5 таси хорижий, шундан биттаси Scopes базасига кирувчи журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўққизта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қўйларнинг ўсиш, ривожланиш хусусиятлари ва гўшт-ёғ маҳсулдорлиги**» деб номланган биринчи бобида турли зот ва маҳсулдорликдаги қўйларнинг ҳомила ва туғилгандан кейинги онтогенезида ўсиш, ривожланиш, гўшт маҳсулдорлигининг шаклланиши, мускул, суяк ва ёғ тўқималарининг ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ҳорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқот ишларининг адабиётлар таҳлили асосида кенг қамровли маълумотлар келтирилган; гўшт маҳсулотининг нафақат миқдорий, балким сифатий кўрсаткичларига ҳам эътибор берилган бўлиб, уларни баҳолашда ирсий ва паратипик омилларнинг таъсири аниқланган. Турли ёш, жинс ва маҳсулдорлик йўналишидаги қўйларнинг гўшт маҳсулдорлигини ва гўшт сифатини ошириш бўйича тавсия этилаётган усуллар ёритилган. Ушбу йўналишда мамлакатимизда ва хорижда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг натижалари келтирилган ва таҳлилланган, қўйчиликда гўшт етиштиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш жойи, манбаи ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили, схемаси, тадқиқотларда қўлланилган усул ва услублар баён этилган.

Тадқиқотлар 2015-2020 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани фермер хўжаликларида ва Миришкор туманининг «Ўзбекистон» қорақўлчилик масъулияти чекланган жамиятида урчитилувчи қорақўл қўйларида бажарилган. Тўпроқ-иқлим ва йил фасллари кесимида яйлов ўсимликларининг озуқавий қиймати кўрсатилган ҳолда яйлов-озуқа шароитлари баён этилган. Тадқиқотлар давомида қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, экстерьер ўлчамлари, тана тузилиш индекслари, гўшт маҳсулдорлиги, сўйим олди вазни, семизлик даражаси, нимтанинг вазни ва гўшт чиқими, ички ёғ, думба ёғи, ички аъзолар, гўштни суякдан ажратиш, тўқималарнинг (мускул, суяк, ёғ) морфологик, кимёвий таркиби, гўшт, ёғ ва ички ёғнинг кимёвий таркиби, қўй териларининг сифати янги шилиб олинган вақтда (вазни, сатҳи), тузлаб қуритилганда (вазни, сатҳи, нави) ва ошлангандан кейин аниқлаш, сўйишга мўлжалланган қўчқорчаларнинг жун маҳсулдорлиги жун қирқим миқдори, жун кокилчаларининг узунлиги ҳамда бир ёшар ҳайвонлар жун япоғининг ва жун намуналарининг морфологик таркибини аниқлаш, иқтисодий самарадорлик, рақамли маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов беришда қўлланиладиган услублар баён этилган.

Диссертациянинг «**Қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ва уларнинг тез етилувчанлигининг шаклланишида ҳисобга олиш усуллари орасида уларнинг турли даврларда ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари баён этилган.

Маълумки, ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланиши уларнинг ирсиятига боғлиқ, унинг намоён бўлиши эса ҳомила ва туғилгандан кейинги даврларда ҳам бевосита ташқи муҳит шароитларига боғлиқ. Нисбатан йирик қўзилар, одатда яхши ривожланган, мустаҳкам конституцияли, юқори ҳаётчанликка эга бўлиб, териси йирик сатҳли бўлади ҳамда қимматроқ баҳоланади.

Қорақўлчиликда айниқса насли ёш моллар етиштирилувчи насли сурувларда яхши ривожланган, соғлом кўзи олиш мақсадга мувофиқ, шу билан бирга асосий қорақўл тери сифатлари бузилган, жун-тола қоплами ҳаддан зиёд усик, нуқсон белгилари яққол намоён бўлган йирик кўзилар олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳомиланинг анъанавий сақлаш шароитидаги эмбрионал даврда ўсиш ва ривожланиш тезлигини аниқлаш мақсадида совлиқлар буғозлигининг 60, 90, ва 120 кунлигида назорат сўйимлари ўтказилиб, олинган эмбрионларнинг умумий вазни ва муҳим ички аъзоларнинг оғирлиги ўлчанди. Олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Аниқланишича, эмбрион вазнининг энг юқори мутлоқ ва ўртача кунлик ўсиши эмбрионал даврнинг охириги 30 кунлигида кузатилиб, ўз ўрнида 1809,6 ва 60,3 граммни ташкил этган. Худди шундай ҳолат ички аъзоларнинг ривожланишида ҳам кузатилган. Шундай қилиб маълум бўлишича, эмбрионнинг энг юқори ўсиш тезлиги охириги 60-70 кунлигида намоён бўлади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, айнан шу даврда буғоз совлиқларнинг озиклантириш даражасига эътибор қаратиш орқали эмбрионнинг ривожланишини бошқариш ва керакли катталиқдаги кўзилар олиш имконини беради.

Анъанавий яйлов шароитида кўзилар постэмбрионал давридаги ўсиш ва ривожланишини ўрганиш натижаларидан маълум бўлишича, уларнинг ўсиш ва ривожланиши совлар ирсий хусусиятлари, сутдорлиги ҳамда табиий яйловлар ҳосилдорлигига боғлиқ.

1-жадвал

Турли ёшдаги эмбрионларнинг ва ички аъзоларининг массаси

Кўрсаткичлар	Эмбрион ёши, кун			
	60	90	120	Туғилганда
Эмбрион массаси, г	82,1±1,1	691,1±0,30*	2401,3±1,46*	4210,9±7,86*
Ички аъзолар, г				
Юрак	0,6±0,01	3,74±0,03*	11,1±0,17*	38,2±0,17*
Трахея	2,09±0,02	2,82±0,01*	3,1±0,09*	21,2±0,2*
Упка	3,2±0,006	21,1±0,20*	51,4±0,11*	89,1±0,18*
Қизилунгач	0,6±0,01	1,31±0,01*	3,1±0,05*	9,3±0,08*
Ошқозон	0,8±0,04	5,9±0,05*	16,2±0,31*	54,1±0,32*
Жигар	6,9±0,05	41,3±0,21*	101,4±0,37*	161,2±0,20*
Буйрак	0,85±0,006	5,7±0,11*	12,2±0,18*	26,6±0,13*

*P<0,001

Буғоз совлиқлар бир хил озиклантириш ва сақлаш шароитларида сақланганига қарамасдан туғилган кўзиларда конституция типлари ҳамда тирик вазни бўйича фарқланишлар кузатилади, бу эса аниқ ирсий хусусиятларнинг намоён бўлишидан далолат беради.

Қўзилар 2 ойлик давргача, яъни совлиқлар етарли даражада озиклантирилиб юқори сутдорликка эга бўлганда, мутлоқ ва ўртача кунлик ўсиш бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиши билан бир қаторда, уларда конституциялараро фарқланишлар сақланиб қолган.

2-жадвал

Анаънавий сақлаш технологияси шароитида турли конституция типларидаги қўзиларнинг ўртача кунлик ва мутлоқ ўсиш динамикаси

Ўсиш даврлари	Давр даво-мий-лиги, кун	Қўзилар конституцияси					
		Нозик		Мустаҳкам		Қўпол	
		Ўртача кунлик	Мутлоқ ўсиш	Ўртача кунлик	Мутлоқ ўсиш	Ўртача кунлик	Мутлоқ ўсиш
Туғилганидан 2 ойликгача	60	0,243	14,58	0,263	15,78	0,262	15,72
2 ойликдан 4,5 ойликгача	75	0,12	9,0	0,14	10,57	0,141	10,57
4,5 ойликдан 5,5 ойликгача	30	-0,15	-4,5	-0,1	-3,0	-0,09	-2,7
5,5 ойликдан 8,0 ойликгача	75	0,07	5,25	0,09	6,75	0,1	7,5
8,0 ойликдан 12 ойликгача	120	-0,06	-7,2	-0,05	-6,0	-0,05	-6,0
12 ойликдан 18 ойликгача	180	0,07	12,6	0,07	12,6	0,07	12,6
Туғилганидан 18 ойликгача	540	0,05	29,75	0,06	36,6	0,07	37,6


Қўзиларнинг 2,0 ойликдан 4,5 ойликгача бўлган даврда, озиклантириш даражасининг пасайиши ҳисобига совлиқлар сутдорлиги ҳам пасайиши натижасида, кунлик ўсиш тезлиги камяди, бу ҳолат айниқса нозик конституция типига мансуб қўзиларда яққол кузатилиб 120 граммни ташкил этади.

Қўзилар онасидан айрилган даврда, мустақил яйловдан озикланишга ўрганмаганлиги сабабли тез вазн йўқотади, биринчи 30 кунлигида нозик конституцияли қўзилар 4,5 кг, мустаҳкам ва қўпол конституцияли қўзилар ўз ўрнида 3,0 ва 2,7 кг вазн йўқотади.

Кейинги кунларда қўзилар яйлов шароитига мослашиб боради, яйлов озучабоп ўсимликларининг пишиб етилиши ва улар тўйимлилигини ошиши ҳисобига, қўзилар 5,5 ойликдан 8,0 ойлик давргача қўзилар семиришни бошлаб уларда ўсиш тезлигининг ортиши кузатилади. Бу даврда мустаҳкам ва қўпол конституцияли қўзилар ўртача кунлик ва мутлоқ ўсиши ўз ўрнида 90 г ва 6,785 кг; 100 г ва 7,5 килограмми ташкил этиб бу кўрсаткич бўйича нозик конституцияли қўзилардан устун бўлган.

Қиш мавсумининг совуқ кунлари бошланиши билан, яйлов озучасининг миқдори ва тўйимлилик даражаси кескин пасаяди, бу ўз навбатида қўзилар ўсиш тезлигининг пасайишига таъсир этади.

Баҳор келиши билан, яйлов озукасининг ўниб чиқиши ҳисобига кўчқорчалар ўсиш тезлиги қайта тикланади, натижада тирик вазнининг мутлоқ ўсиши ошиб конституциялараро фарқланишлар сақланиб қолади ҳамда 18 ойлигида қўпол конституцияли кўчқорчаларнинг тирик вазни энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, мустаҳкам ва нозик конституцияли тенгқурларини ўз ўрнида 3,1 ва 25,02 фозга ортда қолдирган.



1-расм. Қўзилар тирик вазнининг ёш бўйича ўзгариши.

Буғоз совлиқларнинг буғозлигининг иккинчи даврида кўшимча озиклантиришнинг ижобий томони шундаки, айнан шу даврга келиб яйлов озукасининг максимал даражада пасайиши кузатилади ва ҳомиланиннг жадал ривожланиши ҳам шу даврга тўғри келиб, тўйимли моддаларга эҳтиёж ошади, бунда аъзоизмда дисбаланс ҳосил бўдлади, яъни организм энергия талаб этаётганда унинг миқдори камаяди, бу эса эмбрион ўсишининг тормозланишига олиб келади.

Мазкур масалага янада чуқурроқ аниқлик киритиш мақсадида, махсус тажриба амалга оширилди. Иккита ҳайвонлар гуруҳи ташкил этилиб, биринчи назорат гуруҳи ҳайвонлари яйлов шароитида боқилиб, яйловга чиқмаган кунлари ҳар бир бош қўйга 2 кг дан сомон берилди, иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларига буғозлигининг 75 кунлигидан бошлаб яйлов озукасига кўшимча тарзда ҳар куни 2 кг сомон ва 0,3 кг арпа ёрмасидан иборат озукка аралашмаси бериб борилди.

Кўшимча озиклантирилган совлиқларнинг қўзилари йирик бўлиб тўғилиши билан бир қаторда, совлиқларнинг сутдор бўлиши ҳисобига

Лактация даврида қўзилар айрим морфологик кўрсаткичларининг шаклланиши

Кўрсаткичлар	Икки ойлик				4,5 ойлик							
	Мустаҳкам		Нозик		Кўпол		Мустаҳкам		Нозик		Кўпол	
	X±Sx	%	X±Sx	%	X±Sx	%	X±Sx	%	X±Sx	%	X±Sx	%
Назорат гуруҳи												
Тирик вазни	19,8±0,23	100	18,5±0,2	100	20,1±0,26	100	28,2±0,3	100	27,5±0,27	100	30,6±0,3	100
Қорақўл тери массаси	1,2±0,11	6,0	1,1±0,13	5,9	1,5±0,14	7,5	3,4±0,2	12,0	3,1±0,2	11,3	3,6±0,2	11,8
Нимга массаси	8,2±0,17	41,4	7,9±0,16	42,7	8,3±0,16	41,3	12,0±0,41	42,5	11,4±0,21	41,4	12,3±0,24	40,2
Скелет массаси	1,6±0,11	8,1	1,5±0,12	8,1	1,8±0,13	8,9	2,8±0,31	10,0	2,5±0,3	9,1	3,1±0,26	10,1
Лаҳм гўшт массаси	6,6±0,1	33,3	6,4±0,1	34,6	6,5±0,15	32,3	9,2±0,19	32,6	8,9±0,3	32,3	9,2±0,31	30,1
Тажриба гуруҳи												
Тирик вазни	20,9±0,3*	100	18,9±0,2*	100	20,1±0,3	100	30,9±0,3**	100	28,1±0,2*	100	32,3±0,3**	100
Қорақўл тери массаси	1,4±0,12*	6,7	1,2±0,1	6,3	1,6±0,2	7,6	3,7±0,2	12,0	3,2±0,2	11,4	3,9±0,1	12,1
Нимга массаси	8,4±0,16*	40,2	8,0±0,17	42,3	8,5±0,19	40,3	13,6±0,4	44,0	12,4±0,3	44,1	14,2±0,3	44,0
Скелет массаси	1,8±0,1	8,6	1,6±0,13	8,5	1,95±0,17	9,2	2,9±0,35	9,4	2,6±0,2	9,2	3,1±0,15	9,6
Лаҳм гўшт массаси	6,6±0,12	31,6	6,4±0,11	33,9	6,55±0,16	31,1	10,2±0,21	33,0	9,8±0,27	34,9	11,1±0,29	34,4

*P<0,05; **P<0,01

лактациянинг биринчи икки ойлигида кунлик ўсиши 282 ва 280 граммни ташкил этиб, кейинги даврларда пасайиш кузатилган. Бунга сабаб, ҳаво ҳароратининг исиб кетиши оқибатида яйлов озукаларининг тўйимлилигининг пасайиши – эфемер ва эфемероидларнинг қуриб қолиши, совлиқлар сутдорлигининг пасайиши, айниқса бу ҳолат ўсиш даврининг учинчи ойдан бошлаб кескин кузатилади, яъни кўзилар ҳаётининг учинчи ойдан бошлаб нормал ўсиши учун тўйимли моддалар етишмайди, бу эса ўз навбатида ўсиш тезлигининг деярли уч баробарга пасайишига олиб келади (3-жадвал ва 1-расм).

Нозик конституцияли кўзилар тирик вазни кичик, мустаҳкам коонституциялиларники оралик ва кўпол конституцияли кўзилар энг юқори тирик вазнга эга эканлигини ҳисобга олсак, кўзилар тирик вазни билан улар нимтаси, скелети ва лаҳм гўшти орасида ижобий коорреляцион боғлиқлик яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга совлиқларни буғозлик даврида озиклантириш даражаси ушбу кўрсаткичларнинг ривожланишига тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатади.

Худди шундай ҳолат кўзиларнинг икки ойлигида ва ҳатто кўзиларини онасидан ажратиш даврида ҳам кузатилади. Барча ҳолларда тажриба гуруҳидаги кўзилар тирик вазни назорат гурғидагиларга нисбатан юқори бўлган (0,9-1,0 кг). Шу билан бирга совлиқларни буғозлик даврида кўшимча озиклантириш, кўзилар жун-тола қопламига, мускул ва суюқ тўқималарининг ривожланишига ижобий таъсир қилган (3-жадвал). Кўйларнинг хўжалик-фойдали сифатлари ва биологик хусусиятлари кўп жиҳатдан уларни ички аъзоларининг ривожланганлигига боғлиқ.

4-жадвал

Ички аъзоларнинг ривожланиши

Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	Туғилганда		4,5 ойликда	
		анъанавий боқилганда	кўшимча озиклантирилганда	анъанавий боқилганда, кг	кўшимча озиклантирилганда, кг
Тирик вазн	кг	4,01±0,1	4,72±0,2**	28,0±0,3	31,0±0,3*
Юрак	г	34,1±0,31	37,2±0,41	137,7±3,1	145,1±2,1
Упка	г	62,1±0,29	68,1±0,41	412,1±3,9	432,1±4,1
Жигар	г	64,1±0,44	70,2±0,37	480±4,1	511,4±4,9
Буйрак	г	23,6±0,41	26,1±0,4	115±3,7	120,4±3,5
Талоқ	г	5,9±0,13	6,3±0,31	44,3±2,7	44,9±3,6
Ошқозон	г	541±18,1	560,4±206	4,13±0,05	4,76±0,04
Ичак узунлиги:					
Ингичка қисми	м	8,4±0,17	8,9±0,31	18,0±0,2	18,9±0,3
Йўғон қисми	м	1,4±0,11	1,5±0,17	4,9±0,2	5,1±0,25

*P<0,05; **P<0,01

Аниқланишича, буғоз совлиқларнинг озиклантириш даражасини ошириш нафақат тирик вазнининг ошишига, балки ички аъзоларнинг ҳам шаклланиши

ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, шу билан бирга энг катта фарқ барча конституция типларидаги кўзиларни муҳим ҳисобланган аъзолари – юрак, буйрак ва жигарида кузатилган. Худди шундай фарқланиш 4,5 ойлик кўзилар ички аъзоларининг ривожланишида ҳам аниқланган (4-жадвал). Умуман олганда, ички аъзолар ривожланишидаги фарқ бироз пасайган, буни кўзилар туғилганидан кейин тирик вазн, мускулва суяк тўқималарининг ўсиши ички аъзоларникига қараганда жадалроқ кечиши билан изоҳлаш мумкин.

Кўйларнинг айрим тана қисмларини шакллари ва ўлчамларининг ва тана тузилиш индексларининг ёши бўйича ўзгарувчанлиги тўғрисида олинган маълумотлардан аниқланишича, бу кўрсаткичлар ҳайвонларнинг конституцияси билан бирга совлиқларни озиклантитриш даражасига, яйлов озуқабоп ўсимликларнинг ҳосилдорлигига ҳам боғлиқ бўлиб, турли ўсиш даврларида турлича кечади.

Шундай қилиб, маълум бўлишича қоракўл кўзиларининг ўсиш ва ривожланиш тезлиги ҳайвоннинг ирсиятига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда паратипик омилларга ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши ривожланиш даврларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради; озиклантириш даражасини бошқариш орқали ўсиш тезлигига таъсир кўрсатиш мумкин, яъни маълум даражада керакли маҳсулдорлик кўрсаткичларига эришиш мумкин.

Диссертациянинг “**Турли сўйим олди сақлаш технологияларида гўштдорлик ва гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг шаклланиши**” деб номланган тўртинчи бобида анъанавий яйлов шароитида бўрдоқилашда гўшт-ёғ маҳсулдорлиги, гўштдорликнинг ҳамда гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг шаклланишига боқишнинг таъсири, қоракўл кўчқорчаларини жадал бўрдоқилаш тажрибаси, кўчқорчалар гўшти, мускул ва ёғ тўқималарининг кимёвий таркиби баён қилинган.

5-жадвал

Анъанавий тарзда яйлов шароитида боқилган кўчқорчаларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	Сўйим ёши, ой		
		4,5	8,0	18,0
Сўйим олди массаси	кг	29,4±0,2	32,6±0,4*	40,1±0,44*
Янги сўйилган нимта массаси	кг	12,0±0,1	13,0±0,18*	16,4±0,24*
Ички ёғ	кг	0,2±0,04	0,3±0,03	0,4±0,06
Думба ёғи	кг	1,1±0,07	0,6±0,08	1,3±0,07
Гўштнинг сўйим чиқими	%	41,4±2,1	40,7±2,1	41,8±3,1
Гўшт ва ёғ	%	45,1±3,3	42,5±3,4	45,0±3,3
Совиган нимта массаси	кг	11,9±0,1	12,8±0,08*	16,3±0,1**
Нимта таркиби:				
лаҳм гўшт	%	73,3	72,5	74,0
суяк	%	24,9	25,3	24,1
пай	%	1,8	2,2	1,9
Гўштдорлик коэффициенти		2,94	2,86	3,07

*P<0,01 **P<0,001

Диссертация ишида қўйларни сўйимга тайёрлашнинг: яйловда боқиш, яйловда боқиб қўшимча озиклантириш ва қамаб боқиш каби уч усуlining турли вариантлари таҳлилланган.

Маълум бўлишича, қўзиларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлиги йил бўйи яйловда боқиш шароитида турли ёш даврларида бир хил бўлмаган. Мутлоқ кўрсаткичлар бўйича бир ярим ёшар қўчқорчалар устунликка эга бўлиб, гўштдорликнинг энг паст кўрсаткичлари саккиз ойлик қўчқорчаларда кузатилган – 2,86. Энг яхши нисбий кўрсаткичлар (сўйим чиқими) қўзиларни онасидан ажратиш даврида кузатилиб - 45,1 фоизни ташкил этган (5-жадвал).

Энг юкори гўштдорлик кўрсаткичлари 4,5 ва 18,0 ойлигида бўлиши аниқланиб ўз ўрнида 2,94 ва 3,07 га тенг бўлган. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, қўзилар лактацион даврда тўйимли моддалар билан нисбатан яхшироқ таъминланган бўлиб, онасидан айрилгандан 8,0 ойлик ёшгача уларда мукул массасининг ўсиш тезлиги бироз пасаяди, бу албатта тўйимли моддалар миқдорининг камайиши ҳисобига юз беради. Одатда қўчқорчалар қишлоқдан кейин баҳорги яйловларда яхши ўсиб тез семиради, шунинг учун бу даврда улар нимтасининг таркибида энг кўп миқдорда лаҳм гўшти бўлиши кузатилади.

Маълумки, чорвачиликни ривожлантиришда қишлоқ хўжалик экинларининг чиқиндиларидан фойдаланишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу масалани ўрганишда яйловда боқиш ва қўшимча озиклантириб боқишнинг тўрт варианты ўрганиб чиқилди.

Қўзиларнинг ўсиш суратларига яйловларнинг озуқа захираси ҳамда уларни қўшимча озиклантириш аҳамиятли тарзда таъсир кўрсатади. Шунга кўра, сут билан озикланишнинг иккинчи даврида қўшимча озиклантириш – кунлик ўсишни 18,1%, қўзиларни онаси билан бирга донли экинлар ўриб олинган майдонларда боқиш эса ўртача кунлик ўсишни 22,5 фоизга ошириш имконини беради.

Яйлов ҳосилдорлиги нисбатан паст бўлган шароитда 120 кун давомида қўшимча озиклантириш қўшимча яна -7,3 кг, донли экинлар ўриб олинган майдонларда 120 кун боқилганда -11,1 кг ва 75 кун боқилганда 6,9 килограммга ўсиши аниқланган. Пахтаси йиғиб олинган далаларда 35 кун мобайнида боқиш 5,0 кг мутлоқ ёки 145 грамм ўртача кунлик ўсишга имкон яратди.

Боқиш тугагандан кейин гўштдорликнинг шаклланишини ўрганиш мақсадида қўчқорчалар гўштга сўйилди. Ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг шаклланишига боқиш тури аҳамиятли таъсир этмайди, гўшт-ёғ маҳсулдорлиги кўп жихатдан қўйларнинг семизлик даражасига боғлиқ (6-жадвал).

Келтирилган маълумотларнинг далолат беришича, қўчқорчаларни боқишнинг самарали технологиялари ҳисобига уларнинг ўсиш тезлигини хусусан, гўшт-ёғ маҳсулдорлигини оширишнинг кенг салоҳияти мавжуд бўлиб, қўчқорчаларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлигини ошириш, гўшт ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, қишки яйловларга босимни камайтириш имконини беради.

Турли боқиш вариантларида ўстирилган қўчқорчаларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Боқиш вариантлари			
	Яйлов шароитида озиклантиришга қўшимча равишда 1 июндан бошлаб 1 октябргача 0,3 кг микдорда омукта ем берилган	Донли экинлар ўриб олинган майдонларда 1 июндан 1 октябргача боқилган	Донли экинлар ўриб олинган майдонларда 15 июлдан 1 октябргача боқилган	Пахтаси йиғиб олинган майдонларда 25 октябрдан 1 декабргача боқилган
Семизлик даражаси	Ўрта	Юқори	Юқори	Юқори
Массаси: сўйим олди, кг	34,22±0,21*	38,03±0,26**	33,8±0,3*	34,1±0,35*
янги сўйилган нимта, кг	14,1 ±0,11*	15,80±0,13**	13,7±0,21*	14,8±0,18*
ички ёғ, кг	0,5±0,03	0,7±0,03	0,5±0,06	0,6±0,07
думба ёғи, кг	0,7±0,04	0,9±0,04	0,7±0,05	0,8±0,03
Сўйим чиқими: Гўшт, %	41,2±1,9	41,5±2,1	40,5±1,7	41,0±2,1
гўшт ва ёғ, %	43,2±1,2	43,8±1,9	42,6±2,1	43,4±1,9
Совитилган нимта вазни, кг	13,9	15,5	13,4	13,8
Нимта таркиби, % лаҳм гўшт	73,4	74,6	73,1	73,7
Суяк, %	25,0	24,8	25,4	24,9
Пай, %	1,6	0,6	1,5	1,4

*P<0,05 **P<0,01

Кўйларни бўрдоқилашнинг асосини ҳайвонларни тўла қонли озиклантириш, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усуллари билан бирга, яйловда боқишни чеклаш ҳисобланади. Шу билан бирга, озиклантиришнинг самарасига нафақат омукта ем мейёрларининг оширилиши ҳисобига, балки кам тўйимли, арзон, ҳажми катта – беда пичани, сомон, чўл озуқабоп ўсимликлардан максимал даражада фойдаланиш орқали эришилади. Бўрдоқилаш самарадорлигини аниқлаш учун дағал озуқалар майдаланган ва намланган ҳолатларда озуқа аралашмалари сифатида едилди.

Қўчқорчаларни бўрдоқилашнинг юқори самарадорлиги аниқланган. 70 кун мобайнида 1 бошга 63-70 озуқа бирлиги сарфланиб бунинг эвазига ҳар бир бош ҳисобига 9,45-13,0 кг мутлоқ ва 135,0-185,4 грамм ўртача кунлик ўсишга эришилган. Ўсиш кўрсаткичларига бўрдоқилашнинг бошланиш муддатлари ва озуқа рационининг таркиби таъсир кўрсатган. Энг паст кўрсаткичлар кўзилар онасидан ажратилганидан бўрдоқиланганда кузатилган (9,45 ва 135,0). Бунга сабаб, кўзилар онасидан ажратилиб янги сақлаш шароитларига мослашгунча

тирик вазнини йўқотишидир. Энг юқори кўрсаткичлар аммонизацияланган сомон ва бентонит билан кўшимча озиклантирилган хайвонларда (тўртинчи гуруҳ) олинган. Кўчқорчаларни бир ярим ёшгача сақлаб туриш кўшимча 6,0-8,0 кг ўсишга эришиш баробарида, уларни сақлаш учун озуқа сарфини 1,8-2,0 марта ошириш, яйлов юкламасининг ва бир килограмм ўсишга озуқа сарфининг ошишига олиб келади.

7-жадвал

Бўрдоқилаш натижалари

Гуруҳлар	Тирик массаси, кг		Ўсиш		Озуқа сарфи, о.б.	
	Бўрдоқилаш-дан олдин	Бўрдоқилаш-дан кейин	Мутлак, кг	Ўртача кунлик, г	Жами	1 кг ўсишга
Биринчи	24,1±0,06	33,5±0,09*	9,45±0,06	135,0±0,07	63	6,6
Иккинчи	25,9±0,06	36,3±0,08*	10,4±0,07	148,0±0,06	63	6,0
Учинчи	27,1±0,07	38,4±0,08*	11,3±0,07	161,4±0,08	63	5,57
Тўртинчи	28,2±0,06	41,2±0,08*	13,0±0,08	185,4±0,08	70	5,3

*P<0,001

Кучқорчаларни бўрдоқилаш ва сўйим чиқимини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, кўй гўшти етиштириш ҳажмини оширишнинг катта захираси, уларни сўйим олди бўрдоқилаш ҳисобланиб, сўйим олди бўрдоқилаш кўй гўшти етиштиришни 20-25% оршириш имконини беради.

8-жадвал

Турли бўрдоқилаш вариантларида кўчқорчаларда гўштдорликнинг шаклланиши

Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	Сўйим ёши, ой.			
		7 ой	8 ой	9 ой	20 ой
Семизлик даражаси		ўрта	юқори	юқори	юқори
Массаси: сўйим олди	кг	33,1±0,02	36,4±0,05*	41,2±0,4*	49,0±0,05**
Янги сўйилган нимта	кг	13,2±0,05	14,6±0,1*	16,6±0,3*	20,1±0,05**
ички ёғ	кг	0,4±0,005	0,4±0,01*	0,6±0,13*	0,8±0,02*
думба ёғи	кг	1,0±0,1	1,3±0,02*	1,5±0,07*	2,2±0,07**
Сўйим чиқими: гўшт	%	41,0	41,2	41,5	42,6
гўшт ва ёғ	%	44,2	44,8	45,4	47,1
Совитилган нимта массаси	кг	13,0±0,3	14,2±0,03*	16,4±0,09*	20,1±0,05**
Нимта таркиби: лаҳм гўшт	%	73,0	73,4	73,6	73,6
суяк	%	24,9	24,6	24,2	24,0
пай	%	2,1	2,0	2,2	2,4
Гўштдорлик коэффициенти		2,93	2,98	3,04	3,06

*P<0,01 **P<0,001

Аниқланишича, пархезбоп кўзи гўшти етиштириш ҳажмини оширишнинг самрали усулларидан бири, уларни 90 кун давомида сўйим олди жадал бўрдоқилаш ҳисобланади. Бу усулда ҳар бир бошга 150 кг сомон, 200 кг яйлов пичани, 90 кг беда пичани ва 46,5 кг маккажухори ёрмаси сарфлангани ҳолда, 17,1-18,7 кг ўсиш ва кўзиларни туғилган йилидаёқ гўштга 43,51-48,71 кг билан топшириш имконини беради.

Гўштнинг сифати ва унинг товар қиммати, унинг ташқи кўриниши ва кимёвий таркибига тўридан-тўхри боғлиқ.

Маълум бўлишича, гўштнинг кимёвий таркиби ҳайвонларнинг сўйим ёши билан бирга уларнинг сўйим олди тайёргарлигига боғлиқ. Ёш ўтиши билан гўшт таркибида ёғ миқдори кўпайиб, намлиги пасаяди. Гўшт оксили таркибидаги ўрин алмашинувчи ва ўрин алмашмайдиган аминокислоталар миқдори нисбатан барқарор бўлиб қолади.

Қорақўл кўйлар ёғининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш натижаларидан маълум бўлишича, думба ёғининг салмоғи ҳайвонлар семизлик даражасига боғлиқ. Кўчқорчалар семизлик даражаси қанча юқори бўлса, ёғ миқдори шунчалик паст бўлади. Думба ёғи паст ҳароратда эриш ва қотиш билан характерланиб, юқори йодланиш ва совунланиш хусусиятларига эга. Энг юқори сифатли думба ёғи бир ёшгача бўлган кўчқорчалардан олинади.

Диссертациянинг «**Гўшт маҳсулдорлигини башоратлаш**» деб номланган бешинчи бобида ҳайвонларнинг бўлажак маҳсулдорлигини аниқлаш имконини берувчи ҳайвонлар маҳсулдорлигини эрта баҳолаш, тестлаш кўрсаткичларини аниқлаш катта илмий амалий аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида фикр юритилган.

Тадқиқотларда аниқланишича, кўзилар туғилгандаги тирик вазни, пойча айланаси ва конституция типлари уларнинг катта ёшдаги тирик вазни билан ижобий корреляцион боғлиқликка эга. Демак, туғилганида нисбатан йирик гавдали, пойча суяклари ўртача қалинликдаги, мустаҳкам ва қалинлашган конституция типига мансуб кўзиларни танлаш, гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг ошишига ва соҳанинг иқтисодий самарадорлигининг кўтарилишга олиб келиши мумкин

Диссертациянинг «**Қорақўл кўйларининг гўшт маҳсулдорлигини оширишнинг услубий асослари**» номли олтинчи бобида кўчқорчаларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлигини ошириш, сўйим олди боқиш ва бўрдоқилаш йўли билан жадал ўстириш, ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари, оптимал озиклатириш меъёри, яйловда боқиб кўшимча озиклантириш ва бўрдоқилаш натижалари баён этилган.

Қорақўл кўйларининг гўшт-ёғ маҳсулдорлигини оширишга ўз ичига наслий ва маҳсулдорлик хусусиятларни ошириш, сўйим олди боқиш ва бўрдоқилаш йўли билан жадал ўстириш, ўсиш ва ривожланиш қонуниятларидан фойдаланиш асосида озиклантириш, эмбрионал ва постэмбрионал ўсиш даврларидаги босқичлар ва даврийликни ҳисобга олган ҳолда тўла қонли озиклантириш каби комплекс тадбирларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир алоҳида учун «озуқалар билан таъминланганлик баланси» (ОТБ) тузилиши керак, яъни оптимал озиклатириш

мейёри ва мавжуд едирилувчи озукани ўзаро таққослаш асосида яйловда кўшимча боқиш, кўшимча озиклантириш ва бўрдоқилаш ҳажми аниқланади, бу эса ўз навбатида кўзда тутилган маҳсулдорлик кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

Диссертациянинг «Кўй териларининг сифат кўрсаткичлари» деб номланган еттинчи бобида 4,5-7-8 ва 18 ойлик кўчқорчаларнинг янги шилиб олинган (сатҳи, массаси), тузлаб қуритилган (сатҳи, массаси, нави) ва ошланган (тери тўқимасининг технологик хусусиятлари) териларнинг сифат кўрсаткичлари баён қилинган.

Тадқиқотларда 4,5 ойлик кўчқорчаларнинг териси онасидан ажратилгандан кейин, 7-8 ва 18 ойлик кўчқорчалар териси қирқимдан кейин, яъни ярим жунли кўй териси талабларига жавоб бериши учун сўйим вақтида жунининг узунлиги 4-5 см га етгач ўрганилди.

9-жадвал

Ошланган териларнинг сатҳи ва массаси

Консти- туция типи	Ёши					
	4,5 ой		7-8 ой		18 ой	
	Сатҳи, дм ²	Массаси, кг	Сатҳи, дм ²	Массаси, кг	Сатҳи, дм ²	Массаси, кг
Нозик	59,4	0,85	70,1	0,81	79,1	0,9
Мустаҳкам	66,9	0,92	82,8	0,98	93,4	1,3
Қўпол	68,1	0,99	85,3	0,99	93,7	1,35

Аниқланишича, кўчқорчаларнинг ошланмаган териларининг сатҳи ва массаси ҳам ортиб боради, шу билан бирга терилар сатҳ ўлчами ва массасида конституция типлари бўйича фарқланишлар кузатилиб, энг юқори кўрсаткичлар қўпол конституцияли кўзиларда аниқланган.

Ошланган барча ёшдаги терилар сатҳ ўлчами ва вазн кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига жавоб бериб пўстинбоб терилар сифатида баҳоланган, бунда 4,5 ойлик кўзилар териси жунли терилар, 7-8 ва 18 ойлик терилар ярим жунли терилар сирасига киритилган.

Юза қаватининг мустаҳкамлик кўрсаткичларининг (терининг дарз кетишининг мутлоқ юкламаси, дарз кетиш momentiдаги зўриқиш, терининг юза қисмини силкитишда нисбий чўзилиш) кўрсатишича, барча ҳолларда улар мустаҳкам ва қўпол конституцияли кўйларда устунликка эга бўлган. Ёш кесимида энг яхши кўрсаткичлар 1,5 ёшар кўчқорчалар терисида кузатилган. Таъкидлаш лозимки, ўрганилган гуруҳлардаги барча ошланган терилар мустаҳкамлик, тери тўқимасининг чўзилувчанлиги, юза қаватининг мустаҳкамлиги бўйича ТУ-17-20-57-78 «Ошланган қорақўл кўй териси» шартларига жавоб беради, бу эса махсус боқилиб бўрдоқиланган кўчқорчалар териси мўйна саноати учун хом ашё ва соҳа учун кўшимча даромад манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ошланган териларнинг тери тўқимасини сифат кўрсаткичлари

Ёши, ой	Консти- туция типи	Тери мағзи- нинг ўртача қалин- лиги, см	Тери- нинг дарз кетиш момен- тида мутлоқ чўзи- лиши, мм	Тери- нинг дарз кетиш шида мутлоқ зўри- қиш, мм	Тери- нинг дарз кетиш момен- тида мутлоқ чўзи- лиши, мм	Тери- нинг узили- шида мутлоқ зўри- қиш, кг	Чўзили- шдаги мустах- камлик чега- раси, кг/мм ²	Тери- нинг узили- шида нисбий чўзи- лиш, %	Юза қава- тининг дарз кетиш момен- тидаги зўри- қиш, кг	Юза қава- тини силки- тишда нисбий чўзи- лиш, %
4,5	Нозик	0,65	44,1	6,1	46,4	7,3	1,9	31,1	2,2	18,4
	Мустаҳкам	0,81	55,0	17,2	57,1	8,1	2,1	27,4	2,4	29,4
	Қўпол	0,9	57,0	7,7	57,0	8,4	2,0	34,5	1,9	26,4
7,8	Нозик	0,71	55,4	8,1	59,3	8,9	2,0	44,1	3,1	31,2
	Мустаҳкам	0,90	64,9	8,5	67,2	8,8	2,1	51,2	3,3	29,2
	Қўпол	1,03	61,3	8,4	66,9	9,1	2,3	41,3	3,2	26,7
18	Нозик	0,85	61,3	8,8	64,1	9,5	2,4	37,3	4,1	31,4
	Мустаҳкам	1,10	69,4	9,1	70,1	10,2	2,2	41,1	4,2	46,4
	Қўпол	1,15	71,3	9,3	72,4	10,2	2,1	36,9	4,2	41,3

Диссертациянинг «Турли урчитиш технологиялари шароитида кўчқорчаларнинг жун маҳсулдорлиги» деб номланган саккизинчи бобида жун қопламининг хусусиятлари ва унинг саноат хом-ашёси сифатидаги ўрни ёритилган.

Кўчқорчаларнинг жун маҳсулдорлигининг сифати ва миқдори ирсий хусусиятларнинг озиклантириш ва сақлаш шароитлари таъсири остида намоён бўлиб, уларнинг шаклланиш қонуниятларини билиш, барра тери ва гўшт-ёғ маҳсулдорликлари билан уйғунликда ўрганиш долзарб вазифалар қаторига киради.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, буғоз совлиқларни ҳамда қўзиларни туғилганидан кейинги бошланғич даврида мейёрий озиклантириш ўсиш ва ривожланишнинг ҳамда жун қопламининг генетик имкониятларни тўлароқ намоён бўлишига олиб келиб, ўз навбатида уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади ва соҳа самарадорлигини ошириш имконини беради. Сўйим олди ўстиришнинг барча вариантларида, мустаҳкам ва қўпол конституцияли кўчқорчалар ҳамда қўзилар нисбатан йирик гавдали бўлиб, юқори жун маҳсулдорлигига эга бўлган.

Диссертациянинг «Турли ўстириш технологиялари шароитида қўй гўшти етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўққизинчи бобида қўзиларни турли технологияларида боқиш ва гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш натижалари баён этилган.

Аниқланишича, қўзиларни ўстиришнинг турли технологияларида ўсиш ва гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг кўрсаткичлари турлича бўлган. Анаънавий яйлов шароитида боқилганда энг паст ўсиш кўрсаткичлари кузатилиб, бунда 1 кг

ўсишга – 15 минг сўм сарфланган, барча қўзилар ўртача семизлик даражасида бўлиб, рентабеллик даражаси 4,2 фоизни ташкил этган.

11-жадвал

Қўй гўшти етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	Сўйим олди сақлаш технологияси					
		Анънавий яйлов шароитида боқиш	Яйловда боқиш ва қўшимча озиклантириш	Донли экинлардан бўшаган майдонларда боқиш	Пахтаси терилган майдонларда боқиш	Яйловда боқиш ва ва охирги 70 кун бўрдоқилаш	90 кун мобайнида жадал бўрдоқилаш
Ҳисобга олинган қўчқорчалар	бош	50	50	50	50	80	30
1 бошга олинган ўсиш	кг	22,3	29,7	33,3	30,1	33,5	42,2
1 бошга сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	320,1	458,4	367,2	370,1	471,3	551,2
1 кг ўсишнинг таннари	сўм	14354	15434	11027	12295	14068	13061
1 кг ўсишнинг сотиш баҳоси	сўм	15000	17000	17500	17500	17500	18000
1 бошнинг умумий сотиш баҳоси	сўм	334500	504900	582750	526750	586250	759600
Даромад	сўм	14400	46500	215550	156650	114950	208400
Рентабеллик даражаси	%	4,2	10,1	58,7	42,3	24,4	49,4

Энг юқори ўсиш кўрсаткичлари қўзиларни 90 кун давомида жадал бўрдоқилаш шароитида олинган бўлиб – 42,2 килограмми ташкил этиш баробарида, уларнинг барчаси юқори семизлик даражасида бўлиб бир

килограмм ўсишга 18000 сўм сарфланган. Рентабеллик даражаси 49,4 фоизни ташкил этган.

Бир килограмм ўсишнинг энг арзон таннархи донли экинлар ўрилган ва пахтаси йиғиб олинган майдонларда боқилган қўчқорчаларда кузатилган, чунки мазкур технологиядан фойдаланилганда ҳаражат фақатгина ер ижараси учун сарфланиб, ўсиш миқдори -33,3-30,1 килограммни, рентабеллик даражасининг кўрсаткичи эса 58,7 ва 42,3 фоизни ташкил этган. Яйловда қўшимча озиклантириш ва яйловда боқиб кейинги 60 кунда бўрдоқилаш шароитида нисбатан ўртача кўрсаткичлар олинган.

Шундай қилиб, қоракўлчиликда қўй гўшти етиштиришни кўпайтириш мақсадида турли ўстириш технологияларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигининг таҳлили натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, энг кам ҳаражат қилинадиган ўстириш усули бу анъанавий яйлов шароитида боқиш ҳисобланади, аммо мазкур ҳолатда гўшт етиштириш ҳажми минимал бўлиб, шу сабабли рентабеллик даражаси ҳам энг паст даражада.

Қўй гўшти етиштиришнинг ҳажми ва сифати нуқтаи назаридан, энг самарали усул ўзининг кўп ҳаражат талаб этишига қарамасдан қўчқорчаларни 90 кун давомида жадал бўрдоқилаш ҳисобланади. Бунда қўзилар етарли миқдорда тўйимли моддалар билан таъминланиб, ўсишнинг деярли барча генетик салоҳиятини ишга солади.

Иқтисодий жиҳатдан самарали ва гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг юқори кўрсаткичларига имкон берувчи усул бу ҳайвонларни сўйим олди донли экинлардан бўшаган ва пахтаси терилган майдонларда боқиш ҳисобланади, чунки мазкур технологиялар кам ҳаражат талаб этади. Табиий яйловларнинг ҳосилдорлиги пастлиги, донли экинлар ва пахта далаларидан фойдаланиш шароитининг йўқлиги шароитида, нисбатан яхши кўрсаткичлар бир вақтнинг ўзида ҳам яйловда боқиш ва қўшимча озиклантириш шароитида олиниб, унинг ҳажми яйлов ҳосилдорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

ХУЛОСАЛАР

Турли ўстириш технологиялари шароитида қоракўл қўй зотиغا мансуб қўчқорчаларнинг ўсиш ва ривожланиш, гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг шаклланиши, қўй териси сифати ва жун маҳсулдорлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот ва кузатишлар натижасида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

1. Қоракўл қўйлар ҳомиласининг ўсиши даврлари бўйича бир хил кечмайди, энг юқори жадал ўсиш эмбрионал ривожланишнинг – иккинчи даврида кузатилиб, кўп жиҳатдан ирсиятга ва буғоз совлиқларнинг озуқалар билан таъминланганлигига боғлиқ.

2. Қоракўл қўзиларнинг лактацион даврдаги ўсиши уларнинг конституционал хусусиятлари билан боғлиқ. Турли конституция типларига мансуб қўзилар тўла қонли озиклантириш шароитида озиклантириш даражасига турлича жавоб қайтарган, бошида юқори тез етилувчанликни намоён этган бўлса (биринчи икки ойда), озуқа етишмовчилиги шароитида

(тўртинчи ойда) – ўсиш тезлиги айниқса онасидан ажратилгандан кейинги биринчи кунларда кескин пасайган.

3. Буғоз совлиқларни, айниқса буғозлигининг иккинчи даврида ҳамда улар қўзилагандан кейин тўла қонли озиклантириш, қўзиларнинг конституционал типларига боғлиқ ҳолда умумий ўсиш тезлигининг, эмбрионал ва лактацион даврларда ички аъзоларининг шаклланишини, тирик вазн, тери, скелет, лаҳм гўшт массаси каби – морфологик кўрсаткичларнинг ривожланишининг жадаллашишига олиб келади.

4. Қоракўл қўзилар танасининг айрим қисмларининг экстерери ва ташқи кўринишининг шаклланиши ҳайвонларнинг ирсиятига (конституция типи) ҳамда паратипик омилларга боғлиқ, уларнинг ривожаниши бошқариш орқали керакли маҳсулдорлик кўрсаткичига эришиш мумкин.

5. Анъанавий тарзда боқилган 4,5, 8,0 ва 18,0 ойлик қўзилар сўйим даврига келиб одатда ўртача семизлик даражасида бўлиб, уларнинг сўйим олди массаси 29,4-40,1 кг., сўйим чиқими 42,5-45,1 фоизни ва нисбатан паст гўшторлик коэффициентига -2,86-3,07 эга бўлган.

6. Қўзиларнинг ўсиш тезлигига совлиқлар сутдорлиги билан бир қаторда, яйловлардаги озуқа захираси ҳам аҳамиятли тарзда таъсир кўрсатади, қўзиларни сут билан озикланишининг иккинчи даврида қўшимча озиклантириш кунлик ўсишни 18,1% оширишга, уларни совлиқлар билан бирга донли экинлар ўриб олинган ва пхтаси йиғиб олинган майдонларда боқиш кунлик ўсишни 22,5% га етказишга имкон беради. Яйлов ҳосилдорлиги нисбатан паст бўлганда, лактациядан кейинги даврда қўшимча озиклантириш мутлоқ ўсишни 11,1-6,9 килограммга етказиш ва қўзиларни туғилган йилидаёқ гўштга топшириш имконини беради.

7. Қўй гўшти етиштириш ҳажмини ошириш омили бу ҳайвонларни сўйим олди бўрдоқилаш ҳисобланади. Энг яхши натижалар 6-7 ойлик қўчқорчаларни бир икки ой яйлов шароитида боқилгандан кейин аммонизацияланган сомон ва кунлик рационига 1 кг тирик вазн ҳисобига 1,5 г бентонит қўшиб кўра шароитида бўрдоқилаш ҳисобланади. Ўртача кунлик озиклантириш мейёри 1,1 -1,6 о.б. бўлган шароитда, 90 кун мобайнида жадал бўрдоқилаш технологиясини қўллаш мутлоқ ўсишни 17,1-18,1 килограммга, ўртача тирик вазн кўрсаткичларини 43,5-48,7 килограммга етказиш имконини беради.

8. Нимтанинг морфологик таркиби, гўшторликнинг шаклланиши сўйим ёши ва семизлик даражасига чамбарчас боғлиқ. Ёш ўтиши ва семизлик даражасининг ортиши билан лаҳм гўшт салмоғи ошиб, суяклар салмоғи камайиб боради.

9. Қўчқорчаларни бир ярим ёшгача боқиш, қўшимча 6,0-8,0 кг ўсиш олиш имконини беради. Лекин, уларни сақлаш учун ҳаражатларни 1,8-2,0 марта ошишига, қишки яйловлар юкласининг ортишига ва бир килограмм ўсиш учун озуқа сарфининг кўпайишига олиб келади.

10. Гўшторнинг сифати, унинг товар қиммати унинг ташқи кўриниши ва кимёвий таркибига тўғридан-тўғри боғлиқ. Аниқланишича, ёш ўтиши билан мускуллардаги намлик миқдори камайиб (81,1 дан 64,5% гача), ўз навбатида ёғ миқдори ортиб боради (1,1 дан 16,5% гача). Оксил ва кулнинг миқдори деярли

ўзгармайди. Ёш ўтиши билан ўрин алмашмайдиган аминокислоталар миқдори трионин (0,7%), валин (0,4%), изолейцин (0,5%) ва лейцин -0,2% ҳисобига биров пасаяди. Думба ёғи ўзининг консистенцияси бўйича ички ёғга қараганда зичроқ. Шу билан бирга, унда ички ёғга нисбатан намлик миқдори кам. Оксил ва кул миқдори деярли бир хил бўлиб, ёш ўтиши билан аҳамиятли ўзгаришлар кузатилмайди.

11. Қўзилар туғилгандаги тирик вазни, пойча айланаси ва конституция типи уларнинг катта ёшдаги тирик вазни билан ижобий корреляцияга эга. Демак, туғилганда танаси йирик, пойча суяклари ўртача қалинликда бўлган, мустаҳкам ва қўполлашган конституция типидagi хайвонларни танлаш натижасида, қўй гўшти етиштириш ҳажмини кўпайтириш ва соҳанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин.

12. Қоракўлчиликда ўз ичига наслий сифатларни ошириш, мақсадли ўстириш, буғоз совлиқларни ва ёш молларни тўла қонли озиклантириш, эмбрионал ва постэмбрионал ривожланишнинг даврийлигини ҳисобга олган ҳолда ўсиш ва ривожланиш қонуниятларидан фойдаланиш каби комплекс тадбирларни амалга ошириш орқали қўй гўшти етиштиришнинг ҳажмини ошириш мумкин.

13. Иқтисодий таҳлилнинг кўрсатишича, сўйимга тайёрлашнинг энг кам ҳаражат талаб этадиган усули анаънавий яйлов шароитида боқиш ҳисобланади, аммо бу усулда гўшт етиштириш ҳажми минимал даражада бўлгани учун рентабеллик даражаси ҳам энг паст - 4,2%. Етиштирилаётган қўй гўштининг ҳажми ва сифати нуқтаи назаридан, ўзининг кўп ҳаражатли бўлишига қарамадан, кўчқорчаларни 90 кун мобайнида жадал бўрдоқилаш энг самарали усул ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан самарали ва гўшт-ёғ маҳсулдорлигининг юқори кўрсаткичларига эришишда, сўйим олди донли экинлар ўриб олинган ва пахтаси йиғиб олинган майдонларда боқиш ҳисобланиб, шу билан бирга бу технологиялар энг кам ҳаражатлидир.

14. Кўчқорчаларни сўйим олди боқиш ва уларни бўрдоқилаш юқори сифатли япоғи жун олиш, стандарт талабларига жавоб берувчи ҳамда чарм-мўйна саноатида фойдаланиш учун сифатли ва пишиқ қўй териси шаклланишига имконини беради.

**ONE-TIME SCIENTIFIC COUNCIL PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 FOR THE
AWARD OF A SCIENTIFIC DEGREE AT THE SCIENTIFIC RESEARCH
INSTITUTE OF KARAKUL BREEDING AND DESERT ECOLOGY**

SAMARKAND VETERINARIAN MEDICINE INSTITUTE

SHAPTAKOV ERKIN SUYUNOVICH

**SCIENTIFIC FOUNDATIONS AND PRACTICAL METHODS OF
INTENSIFYING THE PRODUCTION OF MUTTON AND SHEEPSKINS IN
KARAKUL SHEEP BREEDING**

06.02.03 – Private zootechnics. The technology of producing animal products.

Dissertation abstract of doctor (DSc) of agricultural sciences

Samarkand-2021

The theme of the dissertation of the doctor (DSc) of sciences has been registered under B2019.2.DSc//Qx131 in Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

The dissertation of the doctor (DSc) of agricultural sciences has been done at Samarkand Institute of Veterinary Medicine

The abstract of dissertation is available in three languages (Uzbek, Russian, English) in webpage of scientific council (www.uzkarakul.uz) and in "Ziyonet" informative-educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor: **Bazarov Soli Rakhmatovich**
doctor of agricultural sciences, professor

Formal opponents: **Turganbayev Ruzimbay Urazbayevich**
doctor of agricultural sciences, professor

Umarov Shavkat Ramazanovich
doctor of agricultural sciences, professor

Shakirov Kaxramon Juraboyevich
doctor of agricultural sciences, dotsent

Official organization: **Scientific research institute of livestock and poultry**

The dissertation defence will be conducted in the meeting of scientific degree awarding One-time Scientific Council based on Scientific Council of under № PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 at the Scientific research institute of karakul breeding and desert ecology on the date "12" 02 2021 at 10:00 o'clock (Address: 140154, Samarkand city, str. M.Ulugbek, house - 47. Phone.: (99866) 233-32-79; fax: (99866) 233-33-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru, administrative building at the Scientific research institute of karakul breeding and desert ecology, the 2nd -floor, conference hall).

Further information on dissertation can be obtained at Information resource centre (registered under №194) of the Scientific research institute of karakul breeding and desert ecology (Address: 140154, Samarkand city, str. M.Ulugbek, house - 47. administrative building on the 1st-floor of the institute. Phone.: (99866) 233-32-79; fax: (99866) 233-33-81).

The abstract of dissertation has been given out on "26" 06 in 2021.
(The statement of registration under № 3 dated "26" 06 2021 y.).



N.A. Bobokulov
Chairman of the Scientific council awarding Scientific degrees, Doctor of agricultural sciences, professor

Z.S. Klichev
Scientific Secretary of the Scientific council, awarding Scientific degrees, Doctor of Philosophy (PhD)

S.Y. Yusupov
Chairman of the Academic seminar under the Scientific council awarding scientific degrees, Doctor of agricultural sciences, professor

INTRODUCTION

(dissertation abstract of the doctor of agricultural science (DSc))

The aim of the research work is the study of meatiness formation with karakul sheep, their ability to graziery, fattening and on that basis to work out scientifically proved technologies of mutton and sheepskin production which doesn't have negative influence on smook and other productivity types contributing to 15-20% meat production increase.

The object of the research work are the sheep of (Karakul) breed that are supposed to slaughter and cultured with different technologies, with their meat samples, wool and sheepskin.

Scientific novelty of the research work is presented as the follows:

for the first time has been defined the regularity of meatiness in different level of feeding and technologies of breeding in traditional pasture condition by growth periods – embryonic, birth, sucking in 4,5; 8,0 and 18 months age;

found out the peculiarities, meatiness productivity and qualitative meat indicators, internal fat and ram tait fat grew up in different feeding technologies. It has been established the decrease of moisture, the increase of fat in muscle tissue, the quantity of protein and ash unchanged; the quantity of internal and tail fat increased, its consistency has been condensed;

worked out the optimal tehnologies of preslaughter breeding of animals which do not negatively influence to other types of production, but promote to meatiness and fat productivity, the improvement of meat and sheepskin in animals feeding with complementary feeding, graziery with cereals and cotton leftorvers, graziery with the following 70 days feeding and 90 days intensive feeding;

established testing indicators on forecasting meat – fat productivity of animals depending on live weight, pastern girth in adulthood that allows to increase economic effectivity and mutton production to 20,0- 25,0 percent;

has been defined the effectivity of 90 days intensive feeding of rams and their slaughter by the birth year aimed on sheepskin production in karakul farming;

has been scientifically substantiated the effectivity of preslaughter feeding of animals in cereals and cotton leftovers with the aim of meat – fat prouductivity increase in the farms conditions.

Implementation of research results. Implementation of research reseelts. Worked out scientific results of the research work in the direction of intensive mutton and sheepskin karakul production:

the technology of pasture and feeding of young rams has been intruded in Ltd, “Uzbekistan” Kashkadarya region, Mirishkar district (certificate of the State Committee for the Development of Veterinary and Animal Livestock dated September 23, 2020 No. 02/23-323). As a result the income in one head compiled 215,5 thousand sum, in profitability level of 58,7 percent;

the technology of pasture and feeding of yong rams with cereals and cotton leftovers has been intruded in Farming of “Fayzullaev Jahongir Uktamovich” in Chirakchi district Kashkadarya region (certificate of the State Committee for the Development of Veterinary and Animal Livestock dated September 23, 2020 No.

02/23-323). As a result of pasture on cotton leftovers the income in one head compiled 156,6 thousand sum, with profitability level of 42,3 percent;

the technology of yong rams pasture with additional feeding and stand feeding have been introduced in “Yomgirchiev Uktam Hasanovich” farm in Chirakchi district Kashkadarya region (certificate of the State Committee for the Development of Veterinary and Animal Livestock dated September 23, 2020 No. 02/23-323). As a result the overall income in the pasture additional feeding in one head compiled 46,5 thousand sum, in pasture feeding and 70 days feeding it was 144,9 thousand sum, 90 days intensive feeding 208,4 thousand sum and profitability level compiled 10,1; 24,4 and 49,4 percent accordingly;

the additional pasture of yong rams technology with additional stand feeding have been introduced in the farm of “Chorshanbiyev Ogabek Sobirovich” Chirakchi district Kashkadarya region (certificate of the State Committee for the Development of Veterinary and Animal Livestock dated September 23, 2020 No. 02/23-323). As a result the total income with pasture, and additional feeding in one head compiled 46,5 thousand sum, in pasture and 70 days additional feeding compiled 114,9 sum, and in 90 days intensive feeding it compiled 208,4 thousand sum, with profitability level of 10,1; 24,4 and 49,4 percent accordingly.

The structure and the scope of the research work. Dissertation consists of introduction, nine chapters, conclusion part, list of references and appendix. Its scope is of 197 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть (I бўлим; Part I)

1. Шаптаков Э.С. Постнатальный рост и мясная продуктивность каракульских баранчиков при разных условиях утробного развития //Журнал Овцы, козы шерстяное дело. - Москва, 2019. -№2. - С.42-43. (06.00.00; № 32).
2. Шаптаков Э.С. Результаты откорма баранчиков каракульской породы разного возраста и конституции. //Журнал Овцы, козы шерстяное дело. - Москва, 2019. -№4. - С.40-42. (06.00.00; № 32).
3. Шаптаков Э.С., Юсупов С. Товарные качества овчин овец каракульской породы. //Журнал AGRO ILM – Тошкент, 2019. - № 1.- С.47-49. (06.00.00; №1).
4. Шаптаков Э.С., Бозоров С., Туранов М.Откормочные качества и мясо-сальная продуктивность каракульских овец. //Журнал AGRO ILM – Тошкент, 2019. - № 2.- С.45-47. (06.00.00; №1).
5. Шаптаков Э.С. Влияние уровня кормления на формирование шерстного покрова каракульских овец. //Журнал AGRO ILM – Тошкент, 2019. - № 3.- С.54-56. (06.00.00; №1).
6. Шаптаков Э.С. Особенности формирования и развития внутренних органов баранчиков при разных уровнях кормления их маток в суягный период. //Журнал Chorvachilik va Naslchilik ishi – Тошкент, 2019. - № 1.- С.16-18. (06.00.00; №15).
7. Шаптаков Э.С. Методические рекомендации по откорму баранчиков. //Журнал Chorvachilik va Naslchilik ishi – Тошкент, 2020. - № 5.- С.29-32. (06.00.00; №15).
8. Шаптаков Э.С. Химический состав жировой ткани. //Журнал AGRO ILM – Тошкент, 2020. - № 5.- С.51-53. (06.00.00; №1).
9. Шаптаков Э.С. Химический состав мяса баранчиков. //Журнал Veterinariya medisinası – Тошкент, 2020. - № 9.- С.35-36. (06.00.00; №6).
10. Шаптаков Э.С. Качественные показатели на выделанных овчин баранчиков каракульской породы. //Журнал O`zbekiston qishloq va suv xo`jaligi – Тошкент, 2020. - № 10.- С.37-39. (06.00.00; №4).
11. Шаптаков Э.С. Опыт интенсивного откорма баранчиков каракульской породы. //Журнал O`zbekiston qishloq va suv xo`jaligi – Тошкент, 2020. - № 11.- С.36-37. (06.00.00; №4).
12. Shaptakov E.S. Influence of the Level of Feeding of Pregnant Sheep on the Size and Formation of Individual Morphological Indicators of Newborn Lambs. // International journal of Progressive Sciences and Technologies(IJPSAT) ISSN: 2509-0119. Vol.23 No.2 November 2020,pp.308-311.(ICV 2018=79,77; SJIF 2018=3,993; IFSIJ=7,625) <http://ijpsat.ijsh-t-journals.org>
13. Shaptakov E.S. Forecasting meat productivity. // International journal for Innovative Engineering and Management Research (IJIEMR) ISSN: 2456-5083. Vol.09 Issue 12, Dec.2020. Pages: 398-400.(Impact factor=7,011)

DOI:10.48047/IJEMR/V09/I12/76.www.ijemr.org

14. Shaptakov E.S.,Abduzoirova D.,Yusupov.S.Y.Relation ship of newborn lambs' physique with their meat-greasy productivity//European journal of Molecular & Clinical Medicine,(EJMCM) 2020, Volume 7, Issue 9, Pages 1317-1321.ISSN 2515-8260. Scopus.info@ejmcm.com

II часть (II бўлим; Part II)

15. Шаптаков Э.С. Пути повышения производства баранины в каракулеводстве. Монография. Изд. “Star-Media-Press” Т. Абая 47. 2020. стр.1-196.

16. Шаптаков Э.С., Юсупов С.Ю., Хайдаров К.Х. Қоракўл кўйларини яйловда боқиб семиртириш. Рекомендация Самаркан. «Сам ИВМ», 2020. стр.1-15.

17. Шаптаков Э.С., Юсупов С.Ю. Влияние уровня кормления суягных маток на величину отдельных морфологических показателей новорожденных ягнят. Материалы Международной научно-практической конференции: “Посвященной 80-летию доктора сельскохозяйственных наук, профессора, академика АСХН РК Кинеева М.А”. Алматы.2019.стр.199-202.

18. Шаптаков Э.С. Уровень кормления суягных маток и мясная продуктивность их приплода. Материалы Международной научно-практической конференции: “Состояние разработки и производства биологических и ветеринарных препаратов и возможности расширения их локализации” Самарканд.2020 стр.108-111.

19. Шаптаков Э.С. Кормление суягных маток и влияние их уровня на величину и формирование отдельных морфологических показателей новорожденных ягнят. Материалы Международной научно-практической конференции: “Посвященной 90 летию образования Научно-исследовательского института каракулеводства экологии пустынь” Самарканд.2020 стр.158-162.

Автореферат «Chorvachilik va naslchilik ishi» журнали таҳририятида
тахрирдан ўтказилди.

2021 йил 25 июнда босишга рухсат этилди:
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60×84_{1/16}.
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 3,75. Шартли б.т. 3,16.
Адади 100 нусха. Буюртма №27/06.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93

